*O'zingni angla!*

# HURRIYAT

**MUSTAQIL GAZETA**

Chorshanba, 28-oktabr, 2009-yil ● **№46 (647)** ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

## ЧИНОЗДА ЗАМОНАВИЙ БОЗОР МАВЖУД




**Ҳокимлик ҳам тадбиркорни қўллаб-қувватлади, собиқ туман ҳокими Н.Муҳаммедов 2007 йил 10 июлдаги 368-қарори билан қурилиш учун ер ажратди, барча шарт-шароитлар яратилди. Аммо ярим йилдан ощдики, катта маблағ эвазига барпо этилган буюм бозорига ихтисослашган савдо мажмуаси бўш турибди.**

➪ 2-бет

## АДАШБОЕВ БУРҒУСИ



***Шоир табиат ичига сингиб кетади. Табиат ичидан ўз сеҳрли лофларини айтиб чиқади. Унинг "Осмон қайдан бошланар", "Қишлоқда тун", "Қизғалдоқлар қутлашар", "Фақат ёзда айтинглар" каби ўнлаб шеърларини ўқиганда одам нима эканини қайта англай бошлайди.***

➪ 4-бет

## "ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ"МИ "ПАРДОЗХОНА"?



***... Гўзаллик салони деб аталмиш маконда одамларнинг ташқи қиёфасига шакл берилади, қисқа муддатга мўлжаллаб, вақтинчалик сулувлик ато этилади. Бирор тўй, маърака, маросим ўтгунча турадиган пардоз берилади. Атиги безаланади. Бу ишларни тўла маънодаги гўзаллик деб атаб бўлмайди. Гўзаллик — доимий ва табиий нарсаларга нисбатан қўлланадиган сўз.***

➪ 6-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ Кеча — 27 октябрь куни Тошкентда МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг Латвия, Литва, Эстония темир йўл маъмуриятлари вакиллари иштирокидаги 51-мажлиси бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстликка аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича кенгашининг 51-мажлиси иштирокчиларига табрик йўллади.

■ **23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнани қабул қилди.**

**Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

■ 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

■ **ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида Ўзбекистон Республикаси кўпчилик овоз билан 2009-2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

**2009 ЙИЛ — ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ**



## Куз саховати

*Олтин куз... Бу фусункор фаслда она табиат ҳаммамизни ўзининг бебаҳо неъматларидан баҳраманд этади. Юртимиз боғу роғларида, хонадонларда мева-чевалар ғарқ пишиб, кўнгилларга ажиб бир мунавварлик улашади. Йил бўйи жаннатмонанд юртимизнинг зилол сувларидан симириб, тафти баланд қуёшининг нури, бободеҳқоннинг юрак қўри билан озиқланган бу неъматларнинг тотли лаззатидан баҳра оларкансан, беихтиёр Яратганга шукроналар айтгинг келади.*

**ИФТИХОР**

## ТИЛИМИЗ — ТАРИХИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ, ОҒРИҒИМИЗ...

*Она сўзи нақадар улуғ, мўътабар. Сиз-у, биз сўзлашадиган тилимизни ҳам она сўзи билан боғлаймиз, эъзозлаймиз. Сабаби аён: дунёга келиб илк эшитган сўзимиз, тинглаган алламиз, "тилимиз чиққани"да онамиз ўргатган сўз — шу тил, она тили! Модомики тилимиз она номи билан боғлиқ экан, унинг қадри, шарафи юксак бўлиши табиий. Ахир онамизни ҳақоратлашларига йўл қўймаганимиздек, тилимизнинг камситилишига, ноўрин бузилишига ҳам жим қараб туриб бўлмас. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир жумласи — ўзимизники. Шундай экан, она тилимиз софлиги учун ҳамиша қайғуришимиз, курашмоғимиз тайин.*

*Қуйида эълон қилинаётган мақолаларда ҳам тилимизга бўлган эҳтиром, унинг мавқеи ва айрим муаммолари баён этилган.*

### Луғат — тилнинг кўзгуси

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишини интиқиб кутган эдик. Ана шу орзунинг ушалганига 20 йил тўлди. Бу сана — халқимиз учун қутлуғ сана.

Гарчанд XV асрдан кейингина ўзбек деб атала бошланган бўлсак ҳам, энг қадимги туркий халқнинг бевосита ворисимиз. Бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий тилимиз энг қадимги туркий тилнинг давоми эканини ўз "Девон"ида муҳрлаб кетган.

Яна туркий забон халқларда давлатчилик узоқ ўтмишдаёқ мавжуд бўлгани энг қадимги ёзма манбалардан ҳам маълум. Давлат бор экан, адабий тил ҳам шаклланган бўлади. Ҳозирги адабий тилимиз қадимги адабий туркий тилнинг вориси бўлиб, тарихан ўсиб, бойиб келган. Ҳозирги адабий тилимизнинг ёзма шакли бир неча марта меъёрларга солиниб, сўнгги имло қоидаларининг 1996 йилда амалиётга жорий этилгани жуда катта ютуқларимиздан бири. Лекин оғзаки адабий тилимиз учун мукаммал талаффуз қоидалари ҳозиргача қатъий белгиланмаганини ҳам таассуф билан айтмоқ керак.

(Давоми 6-бетда.)




**ОБУНА — 2010**

## Ажойиб совға



*— Энг яқин дўстимнинг туғилган кунига нима совға қилсам экан, деб кўп ўйладим...*

*— Хўш, нима совға қилдингиз?*

*— Биласизми, ўйлаб-ўйлаб келгуси йил учун дўстимни "Hurriyat"га обуна қилдим! Энг муҳими, шундай хурсанд бўлдики, билсам унинг энг севимли газетаси — "Hurriyat" экан!*

*— Қойил! Ажойиб совға бўлибди.*

**Нашр индекси – 233.**

**ЖАВОБ**

## Иш ҳақи ундириб берилди

Зомин туман прокуратураси томонидан Зомин тиббиёт бирлашмасига қарашли "Э.Хотамов" қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Г.Суярқулованинг ойлик маоши берилмаётгани ҳақида **"Hurriyat"** мустақил газетасига ёзган аризаси ***("Hurriyat", 2009 йил 26 август, 36-37 сон)*** ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Г.Суярқулова Зомин тиббиёт бирлашмасига қарашли "Э.Хотамов" қишлоқ врачлик пунктида 0,5 ставкада патронаж ҳамшираси вазифасида ишлаб келмоқда.

Текшириш давомида патронаж ҳамшираси Г.Суярқулова 2008 йилнинг ноябрь ва декабрь ойлари, 2009 йилнинг март, апрель ва май ойлари учун иш ҳақини олмагани аниқланди ва унинг 287 минг сўм маоши тўлиқ ундириб берилди.

Шунингдек, "Э.Хотамов" қишлоқ врачлик пункти мудири С.Худойбердиевга нисбатан иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишини таъминламагани учун Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

**М.ЭРМАТОВ,**
**Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари.**

**ДУНЁ СИЁСАТИ**

## Сайлов куни маълум



**Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос кейинги йилнинг 24 январь куни мамлакатда парламент сайловлари бўлиб ўтишини маълум қилди.**

У барча аҳолини сайловда фаол қатнашишга чақирди. "ХАМАС" ташкилоти Аббоснинг сайлов ўтказиш тўғрисидаги фармонини ноқонуний ва конституцияга зид деб баҳолади.

Маҳмуд Аббос ФАТХ партияси раҳбари ҳисобланади. У 2005 йилдан буён мамлакат президенти бўлиб турибди. Шу йилнинг охирида Аббоснинг президентлик муддати тугаши керак эди. Лекин парламент сайловлари ўтказилиши муносабати билан унинг ваколати бир йилга узайтирилди. Ўтган парламент сайловида президент раҳбарлик қилаётган ФАТХ партияси "ХАМАС"га ютқазиб қўйганди.

*(Дунё хабарларига оид материалларнинг давоми бешинчи саҳифада)* 5 »

**СУҲБАТ**

**Ҳамидулла АКБАРОВ:**

## "ЭНГ КАТТА ЎҒРИ — ВАҚТ ЎҒРИСИ"

### ёки бугунги яратилаётган ўзбек киносининг ютуғи ва айрим муаммолари ҳақида

**Ўзбек халқи қадимдан кўп қиррали маданият, урф-одат ва санъатга бой миллатдир. Шу жумладан, ўзбек кино санъатининг ҳам ўзига хос тарихи, ўрни ва салмоғи мавжуд. Шубҳасиз, кино санъати ҳам севимли, таъсирчан ва катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган санъат ҳисобланади. Унда акс этган ҳар бир лаҳза инсоннинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан камол топишида, қолаверса, бадиий маданиятимизнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Зотан, бугун глобаллашув даврида ҳаётимизга фан, техника янгиликлари шиддат билан кириб келган бир даврда юксак фильмларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳар қачонгидан ортиб бормоқда.**

**«Ўзбеккино» миллий агентлиги қошидаги экспертлар кенгашининг аъзоси, профессор Ҳамидулла АКБАРОВ билан бўлиб ўтган суҳбатимиз мавзуси айнан ўзбек кино санъатининг ҳаётимизда тутган ўрни, ҳозирги пайтда яратилаётган фильмларнинг ютуғи-ю камчиликлари ва бу борадаги айрим муаммолар хусусида бўлди.**

**— Бугун фильмлар яратиш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасида жиддий ишларга қўл урилмоқда. Бунинг ёрқин самараси сифатида кейинги йилларда юртимизда қандай бақувват фильмлар яратилди?**

— Мустақиллик шарофати туфайли юртимизда юксак тарбиявий аҳамиятга молик, эстетик қиймати баланд кино-асарлар яратилаётганидан мамнунмиз, албатта. Шу ўринда истиқлол йилларида ишланган «Ёлғиз ёдгорим», «Қор қўйнида лола», «Ўтов» сингари қатор асарлар томошабинлар қалбидан жой олганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз деб биламан. Ўзим «Ўзбеккино» миллий агентлиги қошидаги экспертлар кенгашининг аъзоси бўлганим учун ҳам ҳар бир янги кино асарини синчиклаб кўраман. Агар бу соҳада ижодий янгиликларни ҳис қилсам, фикр-мулоҳазаларимни телевидение ёки матбуот орқали билдиришга эҳтиёж сезаман.

5 »

# ЖАРАЁН

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА: ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ!

## АММО... УНДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР МАВЖУД?

***«Hurriyat» газетаси мухбири саволларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори Аҳмадхон МАМАТОВ жавоб беради***

**— Ахматхон ака, ўзингизга маълум, пластик карточкалар қулай муомала воситаси сифатида кундан-кун кундалик ҳаётимизга кириб бормоқда. Аввало нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг мазкур усули вужудга келиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Пластик карточкалар даставвал Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлган. 1914 йили айрим уддабурон дўкон эгалари мижозларни жалб қилиш ва уларни ўзларига «боғлаб олиш» учун нисбатан бадавлат мижозларга картондан ясалган махсус карточкаларни бера бошлаганлар. Банк кредит карточкаларига эса биринчи бўлиб «Flatbush» миллий банкининг истеъмол кредити бўйича мутахассиси Джон Биггинс асос солган. У 1946 йилдаёқ «Charge-it» кредит схемаси бўйича ишлашни ташкил этган эди. Бу схема бўйича дўконлар мижозлардан майда харидлар учун тилхатларни қабул қилган, кейин эса ушбу тилхатларни банкка топширган.

Кунлардан бир куни Нью-Йорклик бизнесмен Френк Мак Намарада ресторанлардан бирида овқатланиб бўлганидан сўнг, ҳамёнини уйида қолдирганини ва ҳисобни тўлашга пули йўқлигини пайқаб қолади. Яхшиямки рафиқасида етарлича пул бор экан. Бу воқеадан сўнг Мак Намаранинг хаёлида ажойиб ғоя туғилади. Яъни, у эпчил бизнесмен ва кучли молиячи одамларга ҳамёнидаги нақд пул билан чегараланиб қолмай, харид қилиш ёки хизматларга ҳақ тўлаш имконини берувчи воситани яратади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1952 йилда «Diners Club» номини олган янги корхонани очади. 1953 йилда «Diners Club» компанияси Буюк Британияда пластик карточкаларга ўзининг логотипидан фойдаланиш учун лицензия беради. Тахминан шу вақтнинг ўзида «карточка бизнеси»нинг яна бир йирик вакили – «Eurocard International» ўз тарихини бошлаган.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида муомалада бўлган пластик картлар сони 1 млрд. донадан ошиб кетган ва бу рақам жадал суръатларда ўсиб бормоқда.

**— Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, пластик карточкалар ўзига хос тарихга эга ва ишончли муомала воситаси сифатида вужудга келган. Энди айтингчи, айни пайтда республикамизда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида республикамизда ҳам жаҳон андозалари талабларига мос, замонавий, банкнинг янги хизмат турларидан бири бўлган пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизими яратилди. Хусусан, Президентимизнинг жорий йилнинг 6 апрелидаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида республикада пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Тижорат банклари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришни янада жадаллаштириш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари, манфаатдор идоралар, компаниялар, уюшмалар билан биргаликда кўпгина намунали ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда мазкур тизимнинг ривожланишига ҳукуматимиз томонидан берилган бир қатор имтиёзлар ижобий таъсирини кўрсатганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳозиргача тижорат банклари томонидан республикамиз бўйича жами **5 млн. 500 мингдан ортиқ** пластик карточкалар муомалага чиқарилди ва улардан пластик карточка эгалари самарали фойдаланиши учун **42 мингдан зиёд** савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Шундан **3 минг 754 таси** тижорат банкларининг филиаллари томонидан мижозларга, шу жумладан, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида ташкил этилган минибанк, махсус ҳамда жамғарма кассаларда ўрнатилган. Қолганлари эса аҳоли учун зарурий бўлган авиация ва темир йўллар чипталарини сотиш кассаларида, уй-жойларга коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчаларида, телефон, шу жумладан, уяли телефон хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчаларида, аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчаларида, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларида, ресторанларда, иш ҳақи тўлаш пластик карточкалардан фойдаланиб амалга ошириладиган корхоналар ва муассасалардаги умумий овқатланиш объектларида, меҳмонхоналар ва алоқа бўлимларида ўрнатилган. Шунингдек, аҳолига пластик карточкалардан нақд пул маблағларининг ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадида жойларга 204 та банкомат ўрнатилган.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими йилдан-йилга тобора ривожланиб бораётганини, муомаладаги пластик карточкалар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган терминаллар сонининг кескин ўсиб боришидан ҳам англаш мумкин. Жумладан, ўтган йилнинг 1 сентябрига нисбатан тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 30 фоизга, ўрнатилган терминаллар сони эса 99 фоизга ошган. Шу билан бирга банкомат ва терминаллар орқали амалга оширилган амалиётлар 3 бараварга кўпайди.

**— Савдо терминаллари ўрнатиш бўйича келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган режалар ҳамда пластик карточка соҳибига яратилаётган қулайликлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими кенг кўламда шиддат билан ривожланиб бораётгани, иш-ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг аксарият қисми ишчи ва ходимларнинг хоҳишига кўра банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилинаётгани, табиийки улар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширувчи терминалларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳукумат томонидан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш юзасидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатувчи объектларга ўрнатилган терминаллар сонининг **60 мингтага** етказилиши орқали пластик карточка эгаларига янада қулайликлар яратиш юзасидан кўрилиши лозим бўлган барча зарурий чоралар белгилаб олинган.

Бундан ташқари, пластик карточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланиши керак бўлган чакана савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектлари рўйхатини кенгайтириш ва уларни босқичма-босқич тўлов терминаллари билан жиҳозлаш чоралари кўрилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, пластик карточка харид қилинган товар ва кўрсатилган хизмат учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий, ишончли ва қулай воситасидир. Яъни, банк сизга ҳисобварақ очган ҳолда пулингизни пластик карточкага туширади ва у орқали тўлов учун пул кўчириш амалиётини бажаравера-сиз. Пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш учун махсус ускуна (терминал) мавжуд бўлиб, у барча тижорат банклари кассаларида, шунингдек, банк билан шартнома тузган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган. Пластик карточкалардаги маблағингизни банк кассалари ёки банкоматларда нақд пул кўринишида олишингиз ҳам мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пластик карточканинг жуда кўп қулайликлари бор, хусусан, ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги, яъни сиз навбатда туриб ёки касса олдида нақд пулингизни бир неча бор санашга сарф қиладиган вақтингизни тежайди. Шунингдек, ҳар қандай жойда ва исталган вақтда масофадан туриб тўловни амалга ошириш мумкин.



Банк карточка ҳисобварағида турган пулларга ҳисобланадиган фоиз кўринишида қўшимча даромад олиш мумкин. Ҳозир тижорат банклари томонидан пластик карточкалардаги маблағларга энг камида йиллик 14 фоиз устама ҳақи тўланмоқда. Пулни йўқотиб қўйиш, ўғирлатиш ёки уни санашдаги хатолар билан боғлиқ хатарлар пластик карточка орқали амалга ошириладиган муомалада мавжуд эмас.

Энг асосийси, пластик карточкалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотни ўзида сақлаб қолади. Барча харидлар ва кўрсатилган хизматлар учун амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ёдда тутишга зарурат қолмайди. Чунки махсус ускуна ёрдамида пластик карточкадаги пулнинг ҳаракати тўғрисида бир неча сонияда маълумот олиш мумкин.

**— Аммо пластик карточкалардан нақд пул олишда муаммолар бутунлай бартараф этилган деб бўлмайди...**

— Албатта, муаммолар йўқ эмас, аммо кўп ҳам эмас. Қайси тижорат банки томонидан муомалага чиқарилганидан қатъий назар, пластик карточкалар орқали тўловлар республиканинг барча ҳудудларида исталган терминаллар орқали қабул қилинади. Бу дегани, сиз бир банкнинг пластик карточкасига эга бўлиб, бошқа тижорат банки томонидан ўрнатилган терминал орқали бемалол тўловларни амалга оширишингиз, банкомат ёки минибанк, махсус кассаларга ўрнатилган терминаллардан нақд пул олиш амалиётларини амалга оширишингиз мумкин.

Тўғри, бугунги кунда республикада фаолият кўрсатаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳозирча тўлиқ ҳисоб-китоб терминаллари билан таъминланмаганини инкор қилиб бўлмайди. Сабаби, пластик карточкалар тизимини республика бўйича бир вақтнинг ўзида тўлиқ жорий қилиш жуда катта миқдорда маблағ ва машаққат талаб қилади. Шунинг учун бу борадаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари томонидан турли хил сабаблар билан ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишдан бош тортиш, товар ва хизматлар пластик карточкалар орқали алоҳида, нақд пулда алоҳида нархда сотиш ҳолатлари маълум бўлмоқда. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига кўра, банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари асоссиз равишда оширилишига йўл қўйилмайди. Ҳаттоки бундай салбий ҳолатлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари»га мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик ва Жиноят кодексларига асосан, жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Шунинг учун истеъмолчилар пластик карточкадан фойдаланаётганда нархни сунъий равишда ошириш ёки пластик карточкани қабул қилишдан бош тортиш ҳолатларига дуч келса, бевосита Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилишлари жоиз.

**А.ПАРДАЕВ ёзиб олди.**

ҲУҚУҚ

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — КЕЛАЖАК

Маълумки, мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари Дастури тўғрисидаги" қарори бу борада белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўналишларини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатлардир.

Маънан етук авлодни рўёбга чиқариш, оилада эркаклар масъулиятини ошириш юзасидан Жиззах вилоятида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, жойларда мунтазам равишда семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, юқорида номи зикр этилган қарорлардан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинмоқда. Яқинда Жиззах вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, вилоят ҳамда туманларнинг имом хатиблари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бўлимлари раҳбарлари, вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси, вилоят "Маҳалла" жамғармаси раҳбари, шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирокида бўлиб ўтган анжуман ҳам шу масалага бағишланди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз томонидан тиббиёт соҳасига бўлган эътибор — бу оналар, болалар соғлигига, миллат келажагига бўлган эътибордир. Бугун энг чекка қишлоқ врачлик пунктларида ҳам яратилган шароитлар, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини кўриб, ҳавасингиз келади. Зомин туманида бўлиб ўтган семинарда Қудуқча ва Қизилой қишлоқ врачлик пунктларининг ҳар иккисида ҳам физиотерапия хоналари, кундузги стационар шароитида даволаниш учун қулай шароитлар яратилганини мисол тариқасида айтиш мумкин.

Вилоят миқёсида ўтказилган йиғилишларда шаҳар, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари, шунингдек, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган "Оила университети" машғулотларини қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар ва умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларида мунтазам йўлга қўйиш, бу ишга кенг жамоатчиликни доимо жалб этиш, бу жараённи кенг ёритишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш фақат ижобий натижа бериши таъкидланди. Дарҳақиқат, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг ажралмас қисмидир.

**Саидкул ШУКУРОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

ҚИНҒИР ИШ

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЗАРАРЛИ ОҚҚАНД!..

Давлат мулкидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, жуда катта миқдорда моддий зарар келтираётган сохта тадбиркорлар учраб туради. Аммо инсон соғлиғига зарар етказилсачи? Унда кимга зиён? Фақатгина ўз манфаатини ўйлаб, сифатсиз ва зарарли оққанд маҳсулотларини яширин тарзда ишлаб чиқараётган фуқаро Рустам Нурматов ана шундай "фойда" кетидан қувганлардан...



Учтепа туманидаги "Зулфизар" кўчасида эўр-базўр ҳаракатланаётган ВАЗ 2103 ҳамманинг диққатини тортмай иложи йўқ эди. Сабаби унда 560 кг. оққанд ортилган. Ходимларимизнинг тезкор тадбири натижасида ушбу маҳсулотлар эгаси Р.Нурматов белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, хавфсизлик талабларига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатда назорат қилинмайдиган фойда олишни кўзлаб иш юритаётган аниқланди.

У ўз тушунтиришларида шундай деди: "2008 йилнинг сентябрь ойидан буён ўз уйим ертўласида яширин равишда оққанд маҳсулоти ишлаб чиқараман. Ҳар куни ўртача 500-600 килограмм тайёр маҳсулотларни "Ўрикзор" бозоридаги автомобиллар тўхташ жойида сотаман...".

Р.Нурматов ўз кўрсатмасида ҳар куни ўртача 10 000 сўмдан, фаолияти давомида жами 1 200 000 сўм соф фойда кўрганини айтиб ўтди. Афсуски, фақатгина қорнини ўйлаб, ўзгалар соғлиғига беэътибор бўлган "тадбиркор" қилаётган иши нақадар пасткашлик эканини тан олгиси келмаган. Сабаби, экспертиза натижаларига кўра, у ишлаб чиқарган маҳсулотлар таркибида қўрғошин оғир метал тузлари керагидан ортиқ бўлиб, ушбу модда инсон организмига тушганида, ошқозон-ичак системаси фаолиятини бузиши, қонга сўрилиши натижасида сурункали заҳарланишни келтириб чиқариши, шунингдек, буйрак фаолиятининг бузилишига олиб келиши мумкинлиги аниқланди.

Қонунни бузгани етмагандек, инсон ҳаётига хавфли маҳсулот ишлаб чиқарган Рустам Нурматов энди республикамиз қонунлари ва ўз виждони олдида жавоб беришга мажбур. У одил суд томонидан тегишли жазосини олади.

**Азиз САИДЖОНОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими инспектори.**

## Таҳририятга хатлар

## Бошпанасиз "Нахшаб"

Ўзим эллик йилдан бери матбуотда мақолаларим билан қатнашиб келаётганим боис, сўнгги йилларда Қарши туманининг "Нахшаб" газетаси билан боғлиқ муаммолар мени бир жамоатчи мухбир, қолаверса, муштарий сифатида ўйлантириб қўйди. Гап шундаки, мазкур нашрнинг муқим турадиган ўз биноси йўқ. Ҳали қарасангиз аллақайси бир кўримсиз бинодан "бошпана" беришади, ҳали яна бошқа жойдан. Тўғри, "юқори"дан меҳмонлар келганда, туман ҳокимиятидан хона ажратилганди. Аммо бир куни туман ҳокимининг ўзи ҳайрон бўлиб, "Ия, газета шу ерда жойлашганми?", деганидан кейин таҳририят яна бошқа жойга кўчириб юборилди. Айни пайтда "Нахшаб" таҳририяти жамоаси туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг биносида мўъжазгина иккита хонага эга.

Газета ойига бор-йўғи икки марта нашр этилади. Таҳририят ҳисобида ақалли бир донаям компьютер йўқ. Газета чиқадиган куни мухбирлар 10 километр йўл босиб, Қарши шаҳридаги босмахонага боришади.

Дарвоқе, яна бир "қулайлик" ҳақида гапириш ёдимдан кўтарилай дебди. Таҳририят "Матбуот тарқатувчи"ни ҳам, почтани ҳам безовта қилиб ётмайди. Газета чоп этиб бўлингач, газета ходими уни шундоқ катта бир сумкага солади-да, таҳририятга қайтади. Сабаби газета бор-йўғи 500 нусхада чоп этилаяпти. Аҳвол бундай бўлгандан кейин таҳририят ходимларининг ойлик маоши қанчалигини ўзингиз чамалаб олаверинг... Қалам ҳақининг нималигини эса эсдан чиқариб юборишган.

Шу йилнинг 6 октябрь куни таҳририят жойлашган бино олдида газета ходимлари Муҳтарама Баҳромова ва Ҳусан Содиқовларни учратиб қолдим. Маълум бўлишича, туман қишлоқ ва сув хўжалик бошқармасининг қоровули дарвозани қулфлаб аллақаёққа кетиб қолибди. Журналистлар эса кўчада овора-ю, сарсон... Туман раҳбариятига ўз муассислигидаги газета нафақат ҳокимликнинг, балки туманнинг юзи эканини тушуниб етишлари учун яна қанча вақт керак бўлар экан?

**Худойберди НАЗАРОВ**
***Қарши тумани Қовчин қишлоғи.***

## Қўллари дард кўрмасин

Кутилмаганда беш ойлик неварамнинг тана ҳарорати кўтарилиб, мазаси қочди. Ўзим касал бўлсам ҳам бунчалик қийналмасдим. Данагидан мағзи ширин деб шунга айтишар экан-да. Яхшиямки, бахтимизга Тахтакўпир туман марказий шифохонаси яқин эди. Зудлик билан бемор неварамни шифохонага олиб бордик. Тиббиёт ходимлари уни шу заҳотиёқ, жонлантириш бўлимига ётқизиб, барча муолажаларни қилишди. Аллоҳга минг бор шукурким, набирам Ерсултон 18 кун деганда шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи Ботир Айтеков, шифокор Бозор Тансиқбоева, туманнинг бош педиатр-шифокори Бибимарям Тугелова, ҳамширалар Замира Узоқбергенова, Эльмира Шахарова, Жадира Исенбоева ва Азима Ўтеноваларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шифохонадан соғайиб чиқди. Албатта, юртимизда юзлаб бундай шифохоналар ва ўз бурчини жонкуярлик билан бажараётган фидойи тиббиёт ходимлари бор. Ниятим, беморларга сиҳат-саломатлик бағишлаётган бундай яхши инсонлар янаям кўпаяверсин.

**Узоқберган ЖЎЛДОСБОЕВ**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

## Дардимни кимга айтай?

1981 йилда туғилганман. Болаликдан ногиронман. Ўтган йили 22 октябрь куни маҳалладошим Жамол Шукуровга йиғиб юрган нафақа пулимдан анчагина маблағни қарзга бергандим. Лекин у қайтаришни хаёлига ҳам келтирмади. Ноилож, ундан қарзимни сўраганимда: "Сендан олган пулни тракторни созлаш мақсадида ҳамкасбим Фарҳод Қувватов билан бирга сарфлаганмиз, пулни ундан сўра", деди.

Кўп ўтмай Фарҳод Қувватовнинг ўзи маст ҳолда келиб, қўлимдаги ҳассамни (ҳассасиз юролмайман) уй томига отиб юборди. Ногиронлигимни айтиб, ҳақоратлагани етмагандай, телефонимни ҳам ерга уриб синдирди. Онам ва укам мени ҳимоя қилмоқчи бўлганда уларга ҳам тан жароҳати етказди. Ш.Алиқулов, Р.Абдусаломов ва Исомиддин исмли маҳалладошларим ёрдамга келиб, мени кўча четидаги ариқ ичидан чап елкам ва ўнг оёғим лат еган ҳолда оқава сувдан турғизиб олиб кетаётганида, Фарҳод яна орқамдан келиб, тепиб, ерга йиқитди.

Янгиер шаҳар шифохонаси шифокорлари тавсияси билан травматология бўлимига ётқизилиб, у ерда 10 кун даволандим. Шу даврда аҳволим билан на ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари, на экспертиза ходимлари қизиқишмади. Ноилож ўзим бориб, илтимос билан экспертизадан ўтдим. Экспертлар отамга: «200 минг сўм берсангиз яна ҳам оғирроқ қилиб ёзиб берамиз» дейишибди. Аммо биз улардан фақат ҳақиқатни ёзиб беришини талаб қилдик. Кўп ўтмай, И.Эргашев ва Иброҳим исмли эксперт ходимлари шифохонага келиб, мени даволайдиган врачга "Нега Х.Алибоевни ушлаб турибсизлар, тезда жавоб бериб юборинглар", деб дағдаға ҳам қилди. Кейин билсам, профилактика инспектори, майор Р.Аҳмедов ушбу жиноятни босди-босди қилиш мақсадида Ф.Қувватовдан манфаатдор бўлган ва экспертиза ходимлари билан ҳам тил бириктирган экан.

Шу йилнинг 8 май куни ИИБ бошлиғи номига ариза ёздим. 1 июль куни қайта мурожаатимдан кейин тергов бошланди. Ногиронлик ҳолатим билан уч ой Ховос туман судига қатнадим. Айбланувчилар эса бирор марта келишмади. Суд ҳам суд залида эмас, аксинча туман суди судьяси Ф.Ўроқовнинг иш кабинетида, боз устига айбланувчилар иштирокисиз ўтказилганига нима дейсиз? Бу орада профилактика инспектори, майор Р.Аҳмедов уйимизга келиб, ҳукуматимиз томонидан амнистия эълон қилингани, суд ишини ҳам чўзиб-чўзиб унга бир амаллаб "илаштирилганини" ва энди қўлимиздан ҳеч нарса келмаслигини айтиб мақтанди. Наҳотки, зўравонлар менга, укамга ва онамга етказган моддий ва маънавий зарарлари учун жавоб бермай, сувдан қуруқ чиқиб кетаверишса?

**Ҳусниддин АЛИБОЕВ**
***Сирдарё вилояти Ховос тумани.***

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК

СИЗГА ҲИСОБ РАҚАМНИ
МАСОФАДАН БОШҚАРИШНИНГ ЭНГ
ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ
«SMS BANKING» ВА
«INTERNET BANKING»
ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ.




Ушбу хизмат турлари Сизнинг вақтингизни тежаб, ҳисоб рақамингиздаги барча ҳаракатлар ҳақида «онлайн» тарзда хабардор бўлишингизга имконият яратади.

ТУРОН БАНК

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ «СЎМ» ПЛАСТИК КАРТАЛАРИНИ
ҲАМДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ «VISA»
ПЛАСТИК КАРТАЛАРИНИНГ 4 ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:




1. Visa Electron
2. Visa Classic
3. Visa Business
4. Visa Gold




«VISA» ПЛАСТИК КАРТАЛАРИ –
БУ ХАЛҚАРО УНИВЕРСАЛ
ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Маълумот учун телефонлар: (+99897) 700 55 55 ва 723 55 55
www.turonbank.uz

*Хизматлар лицензияланган.*

ИЖОД ЗАВҚИ

# АДАШБОЕВ БУРҒУСИ



Турсунбой Адашбоевнинг шеърий олами ичига шўнғиб, ялангоёқ кечган болалигимни эсладим. Биз тенгдошмиз. Унинг уруш йиллари ҳақидаги шеърий таассуротларини ўқиб, юрагим орзиқиб кетди. Ўша йўқчиликлар, йўқотишлар, бири кетидан бошқаси уланиб келадиган фожиали қийинчиликлар ичидан чиқиб келаётган болалик. Одам шундай фавқулодда ҳолатлар издиҳомларидан қандай тирик халос бўлиб, яна одам, инсон бўлиб етишганингга ҳам ақлинг бовар қилмайди. Бу қийинчиликлар ва кулфатлардан тирик чиқиш учун фақат умидни йўқотмаслик, одамийликни бой бермаслик, инсонлик қиёфасини ҳеч қачон қўлдан чиқармаслик ва булар билан баробар яна андак, ҳа, андаккина одам қувноқ, латифагўй ҳам заки бўлиши керак деб ўйлайсиз Турсунбой Адашбоевнинг шеърларини мутолаа қилганда.

Яна ўйлайсиз: биров шоир, биров олим, биров одам бўлдими — Турсунбойнинг ҳаётга лиммо-лим шеърларини ўқиган-да? Адашибулоқиб кетмадимикин ўқиб унинг шеърларини? Ёки адашган бўлса, бегуноҳ топиб ололдимикин ўз чин ҳаёт йўлларини? Сени ўқиб ўқувчининг йўл топгани сенинг бахтинг, сен айтган сўзнинг бахти эмасми?

Малҳам истаганда тутаб турган жароҳатингга босилган шеър — малҳам бўлган сўз сенинг бахтинг эмасми, биродар?

Акс ҳолда битилган шеърлар кимга керак?

Сичқонбойлар, каркидонлар, қалдирғочлар Турсунбойнинг қаҳрамонлари. Турсунбойнинг шеърида маймун ўз боласини ювиб-тараб, силаб-сийпалар экан, Яратганга шукрона айтади. Бизни маймун қилиб яратганига шукур дейди. Боласи «Нега ундай дейсиз?» — деб сўраса, «Агар бизни типратикан қилиб яратганида, боламнинг тиканли елкасини қандай силардим?» — дейди.

Унинг шеърларида тоғ ёнбағирларида эчкилар, кийиклар ўзларини қандай эркин тутсалар, сўзлар ҳам шу кийиклардай жавлон уриб ўйнайди, сакрайди, ўзини табиатнинг асл фарзандидай сезади, ҳеч нарсадан хавф-қўрқув туймайди. Сўз шундай эркин бўлиши учун болалар адабиёти бўлиши керакми ёки болалар адабиёти бўлиши учун сўзнинг ўзи шундай эркли бўлиши керакми? — деб ўйлантиради улар.

У махлуқлар ҳақидаги лофга тўла ҳикоялари билан тасаввурларни бойитади. Ўта бемаъни бўлиб кўринадиган гаплар, воқеалардан фантастик хулосалар чиқаради.

Дастлаб «кимга керак бу тутантириғи йўқ лоф-қоф гапларнинг?» — дейсиз. Лекин болаларнинг ва ҳатто катталарнинг хаёл дунёсида булар ўзгача бир тарзда жонланиши ва давом этиши, фантазиялардан янгидан-янги фантазиялар давом олишини ўйлаб, майнавозчиликка ўхшаган лофларнинг сира майнавозчилик бўлмаган қойилмақом оқибатлари борлигига тан берасиз.

Сўзлар табиатнинг ўзидай тиниқ, содда. Қишлоқ чарақлаб туради. Олам Ўш, Сафед Булон, Ўнғор бўлиб яшнаб, жаранглаб ётади. Адабиётга янги Сафед Булон деган диёр кириб келади...

Шоир табиат ичига сингиб кетади. Табиат ичидан ўз сеҳрли лофларини айтиб чиқади. Унинг "Осмон қайдан бошланар", "Қишлоқда тун", "Қизғалдоқлар қутлашар", "Фақат ёзда айтинглар" каби ўнлаб шеърларини ўқиганда одам нима эканини қайта англай бошлайди. Ўз йўқотиб қўйган сурурларини қайта топгандай бўлади. Марк Твенни, С.Маршакни, К.Чуковскийни, Ж.Родарини, Р.Распэни, Худойберди Тўхтабоевни эслайсиз. Унинг энг содда байтларидан бирини келтирай:

***Қишлоғимга борган сайин,***
***Болаликка қайтаман...***

Дунёда кимдир айтгандир-айтмагандир худди шу тахлит бир гапни. Лекин шу он уни ўқиганимда менга мўъжизадай таъсир қилди. Бир мансура хаёли туғилди.

* * *

Бир замон йиғилиб-йиғилиб мажҳул фикрлар
мени ўй-хаёл тўфони босди.
Йиғлаб-йиғлаб босди мени бу ўй тўфони
Чуваланди
бетартиб тўзғиган хаёлларим.
Миям гўё улуғ чинор илдизларидай теран кириб кетди юмшоқ еримизнинг қоронғу тупроқ қаърларига.
Не замонлар қутулолмадим бу бевош, бошвоқсиз музтар ўйлардан.
Билмадим бошимни қайга урарни
қай кунжакдан мадад сўрарни
раммол китобидан фол кўрарни.
Титдим, титавердим дуч келган китобларни
билмас эдим китоб ўқимакни,
билмас бўлдим яна батарроқ.
Қай қозиққа боғлай ахир бу мажус, саркаш, лойқа аживаларни.
Титавердим.
Топмадим даво.
Умидсиз бўлдим.
Яна китоб. Яна китоб. Яна. Яна ва яна.
Шунда шуурсиз қўлимга бир китоб илинди.
Кўк китоб.
Ёғоч от минган болакай
қўлин силкиб дунёларга
шаҳзода каби қўлин силкиб кетиб борар аллақаёқларга.
Йўқ, йўқ, излаганим бу китоб эмас!
Бўзлаганим, сўзлаганим, кўзлаганим бу китоб эмас!
Мени хаёлотдан қутқарар бу китоб эмасдир тайин.
Аммо қўлим
менга бўйсунмай
одатича китоб титар шуурсиз
шитирлайди варақлар
"Болалик шеърлари экан...
йўқ, булар эмас менинг излаганларим!
Буларданмас кўзлаганларим"
Кўзим шуурсиз илғайди икки қатор сўз...
Нохуш паришон ўқийман:
"Қишлоғимга борган сайин, Болаликка қайтаман..."
А?! — дейман.
Ҳа! — дейди.
А? — дейман.
Ҳа! — дейди. — Чекингиси йўқ.
— Наҳотки? Ростданми!
Неча кун чувалган хаёлим бир зумда ғойиб.
Қайга кетди ахир улар, жуда ғаройиб!
Мисоли гижинглаган той —
тойчаспон сўзларга мингашиб.
Қанотланар хаёлим
Уларга эргашиб мен
Болаликка қайтаман.
Уруш чоғин болалик бозорлари
Уруш чоғин болалик мозорлари
Уруш чоғин сўнмас оҳузорлари
Шош олмазорлари
Болаликка қайтаман.
Дард чекинар. Равшан тортар хаёллар. Сафед Булон томонлардан, ё Сулаймон тоғидан. Наъра солиб бурғу чалади. Бу тийрак болаликка қайтган Турсунбой. Ташлаб кетмас болаликни топган Турсунбой!

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

ТААССУРОТ

*Фарғонанинг Чимёнида таътилни ўтказаётган эдим. Тошкентдан ҳамкасбларим қўнғироқ қилиб, "Hurriyat" газетасида мақолам чиққани ҳақида хушхабар айтишди. Туркистонга бориб бобомиз Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат этиб, олган таассуротларим хусусидаги мақоламни тезроқ кўрай деб ўша куниёқ Фарғона шаҳрига бордим. Шаҳардаги деярли барча матбуот дўконларини қидириб чиқдим. Қайси газета сотувчисидан сўрамайин "Hurriyat"нинг тезда сотилиб кетаётганини айтишарди. Бу газетанинг харидори кўп дейишди.*

# "Hurriyat"ни қидириб...

Ҳойнаҳой газетани Алишер Ибодиновдан топсам бўлади, деб "Фарғона ҳақиқати" газетаси таҳририятига бордим. Баҳонаи сабаб, Алишер ака билан анчадан буён кўришмаган эдик, дилдан суҳбатлашдик. Ундан "Hurriyat"ни олиб, худди биринчи мақолам чиққан ёш мухбирдай севинчим ичимга сиғмай кетди.

Алишер ака: "Ниятимиз холисда, эртага Боғдодга бориб ижодкор Жўрабой Болтабоевнинг саксон беш ёши билан табриклаб келишни мўлжаллаб тургандик, сиз ҳам борсангиз" деди. Бу таклифни бажонидил қабул қилдим.

Фарғонада Жўра Болта тахаллуси билан ном чиқарган кекса қаламкаш борлигини билардиму, аммо ўзи билан кўришмаган эдим.

Насиба қўшилган экан, эртасига таниқли журналист Дониёр Эргашев, Алишер Ибодинов ва камина — уччаламиз Боғдодга — Жўра ака хонадонига бордик.

Жўра ака бир гуруҳ маҳалладошлари-ю, тенгқур оқсоқоллар билан бир пиёла чой устида суҳбатлашиб ўтирган экан. Дадил ҳаракатлари-ю, тетик сўзлашларидан ҳеч ким у кишини саксон бешга кирган демайди.

— Жўра ака шу ёшда ҳам "Нексия" ҳайдаб юради, — дейди Дониёр ака бизни ҳайратлантириб.

— Яхшига Жўра, ёмонга Болта деган ибора ҳам Жўрабой ака Болтабоевга аталган, — деб қўшиб қўяди Алишер ака. Бу ҳазилнамо гапдан у киши хафа бўлмайди. Аксинча, бу бор гап дегандай кулиб қўяди.

— Биринчи мақолам ўн уч ёшимда бундан 72 йил аввал чиққан, — дейди Жўра ака сарғайиб кетган газетани кўрсатар экан. У кишининг суҳбатларини эшитиб, умр бўйи матбуотга ошно шундай ажойиб инсонлар бор эканидан ғурурланасан. Суҳбатлардан аён бўлдики, Жўра ака Болтабоевнинг иккинчи жаҳон урушида қатнашиб кўрсатган жасоратларининг ўзи бир китоб ёзишга арзийди.



Маҳалласига, туманига, қолаверса, фарғоналикларга бугунги кунда ҳам ибрат бўла оладиган даражада умр кечираётган оқсоқол ҳақида шу боисдан ҳам ҳар қанча самимий сўзларни айтсак арзийди, албатта. Зеро, бу инсон эккан эзгулик дарахтлари аллақачон мева бериб, қалб дастурхонларини ширин-шакар ноз-неъматларга тўлдириб юборган. Саховати-ю, меҳр-шафқати ила ҳурмат эҳтиром қозонган.

Қаҳрамонимиз шундай улуғ ёшга кирган бўлса-да, ҳамон қаламни ташлаган эмас. Катта-кичик ибратли мақолалар, хабар ва янгиликларини вилоятдаги ҳатто республикадаги турли нашрларга йўллаб туради.

Жўра ака Болтабоевни шундай тўкис саодат билан қутлаб, Фарғонага қайтдик.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**журналист.**

***Суратда:*** *ҳозирда кексалик гаштини сураётган ижодкор Жўра Болтабоев.*

ТААЖЖУБ

# МУХБИР "КАТТА ОДАМ"МИ?

## ёки газета ўқимасликдан ҳам мақтаниш мумкин

Бир ташкилотнинг тадбирида қатнашиш учун борсам, вилоят телевидениесидан ҳам ҳамкасблар келишган экан. Йиғилиш бошлангунча улар билан суҳбатлашиб ўтирдим. Шу пайт ташкилот бошлиғи кимгадир қўнғироқ қилиб, "Тезроқ етиб келинг, мухбирлар ҳам келиб кутиб ўтиришибди", деб тайинлади.

Орадан кўп вақт ўтмай таклиф этилган ўша раҳбар келди. Йиғилганлар билан саломлашиб бўлгач, стулга ўтираркан:

— Етиб келгунимча жуда шошилтирдингиз-да, мухбирлар келди деб. Улар шунақа катта одамми-а? — деди нописанд оҳангда.

Ўша раҳбарнинг гапидан анча вақтгача таъсирланиб юрдим. Шу сабаб ўзим бевосита гувоҳ бўлган бир воқеа кўз олдимдан ўтди.

Хизмат тақозосига кўра туманимиздаги йирикроқ корхоналардан бирига ташриф буюрдим. Корхона раҳбари бир пайтлар вилоят даражасидаги ташкилотларни ҳам бошқарган киши эди. У кишининг қабулхонасида салкам икки соат кутиб ўтирдим. Ниҳоятда "банд" эканидан бўлса керак, телефонда ким биландир роса "муҳим" масалалар бўйича фикр алмашарди. Раҳбар жуда баланд овозда сўзлашар ва унинг овози қабулхона тугул бутун идора бўйлаб таралмоқда эди.

— Эй, сизга айтдим-ку, биз гапимизда турадурғон кишиларданмиз деб. Қалай, зиёфат зўр бўлдими-а? Ўзиям нақд иккита қўйнинг гўшти кетди-да...

— А? Ҳа-а, ҳаҳ-ҳаҳҳ-а-а!...

Ниҳоят, раҳбарнинг қабулига кириш бахтига муяссар ҳам бўлдик. Аммо... нетонгки, бу ерга ташриф буюрганимдан минг бир афсус чекдим. У киши газетадан келганимни эшитибоқ, дангал шундай деди:

— Опа, агар бирор шахсий хизматингиз бўлса айтинг. Аммо мен ҳеч қачон газета-пазета ўқимайман. Шунинг учун интервью-пентервью ҳам бермайман. Газетасиз ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди. Тушундингизми?

Бундай савиядаги одамга нима дейиш мумкин эди? Очиғи, газета ўқимаслигидан уялиш ўрнига мақтанадиган бу инсоннинг қўл остида ишлайдиган кишиларга ачиниб кетдим.

— Газета ўқимасдан ҳам шу даражаларга эришибсиз, агар газета ўқиганингизда борми?.. — дедим у билан хайр-маъзур қиларканман.

У кинояли сўзимга парво ҳам қилмади.

Рост, бу инсонга сўз айтиб ўтиришнинг ўзи ортиқча эди. Қаердадир ўқигандим: "Ҳар бир инсон ўзига хос китобдир. Фақат уни ўқий билиш керак". Ҳа, эҳтимол шундайдир. Аммо нетонгки, умуман "ўқиб бўлмайдиган" одамлар ҳам йўқ эмас эканда. Биз журналистларга, умуман ижод аҳлига эса инсонлар қалбини ўқий билиш саодати ато этилган. Уни эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Умуман олганда, мухбир "катта одам" эмас, унинг руҳий олами, дунёқараши катта. Атрофни, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатувчан нигоҳлари, ўзига бўлган талаби, эзгу амалларининг кўлами катта. Журналист ўзи юрган йўлларда катта-катта излар қолдиришни, матбуотдаги ҳар бир чиқиши катта-катта ишларга ундашини хоҳлайди. Зотан, журналист касбининг мазмун ва моҳияти ҳам ана шунда бўлса керак. Шундай экан, журналист меҳнатининг заҳматини билиш, ҳис қилиш учун катта-кичик раҳбарларнинг маънавий олами ўзи ўтирган креслосидан кўра кенгроқ бўлиши керак.

**Раҳима**
**АБДУРАҲМОНОВА,**
**"Жалақудуқ ҳаёти"**
**газетаси муҳаррирининг ўринбосари.**




Хусан СОДИҚОВ чизган сурат.

АВВАЛИ

# Тошканддa муз қилодурган завут

Ўтган якшанба куни яъни 29 нчи февралда Тошканд шаҳрида жаноб Туркистон генерал губернатори генерал-лейтенант Иванов ва бўлак улуғларнинг ҳузурларида Тошканд шаҳрида муз қилодурган завутни очибдурлар. Мазкур завутда алоҳида машина бирлан ҳар қайу вақтда тоза музни тайёр қилодурган мазкур завутнинг соҳиби бир уламо инжинер Априлкуф деган маълумдур. Ва ўшал завутға йигирма минг сўм сарф бўлғон экан. Албатта бул янги завут кўп манфаатлик ва зарур бўлса керак, зероки Тошканд шаҳрида баъзи жойларда кўб совуқ бўлмай ва ариқлардин олинғон музлар тоза бўлмай кўп ифлос бўладур.

*"Туркистон вилоятининг газети" 4 март 1904 йил.*

**Нашрга тайёрловчи:**
**Аъзам УМАР**

# МАЪНАВИЯТ



Шойим БЎТАЕВ

# ТОҒЛАР ОЛИСДАН АЁН КЎРИНАДИ

Эссе

Шукур ака тарих мавзусида алоҳида иштиёқ билан қизишиб гапирарди. Бақтрия, Марғиёна ҳудудлари, қадимда ҳукмдорлик қилган шахслар, уларнинг диний эътиқодлари... барча-барчаси ҳақида Шукур акадан соатлаб сабоқ олиш мумкин бўлар эди.

Ҳозир ҳам катта қизиқиш билан сўзлаб турганида беихтиёр Мавлон аканинг ўрнидан тураётганига кўзи тушиб қолиб:

— Мавлон ака, тўхтанг, — деди.

Мавлон ака шошилмай биз томонга ўгирилди.

Залда учаламиз қолгандик, холос.

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, — деди Шукур ака.

— Сўранг, — деди Мавлон ака, бу гапдан қандайдир ғурурлангандай бўлиб.

— Чўчқанинг урғочисини нима деб аташади?

Мен ҳайрон қолдим.

Қандайдир жиддийроқ гап бўлса керак, деб ўйлагандим. Кейин миямда бу саволга жавоб топишга урина бошладим, қурғур ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман-а, қанча урinганим билан бу ҳаракатнинг фойдасизлигини сездим.

Мавлон ака ҳам ўзига хослик билан:

— Об-бо!.. — деди қироат қилаётгандек.

"Мавлон ака ҳам билмайди, шекилли", деб ўйладим.

Мавлон ака яна:

— Ёввойисиними ё... — дея сўз бошлаётганида Шукур ака у кишининг нима савол бермоқчи бўлаётганини фаҳмлаб:

— Ёввойисини, ёввойисини, — дея такрорлади.

Энди Мавлон ака ҳам қизиқиб:

— Табиат ҳақида яна бирон нарса ёзаяпсизми? — деб сўради.

— Ҳа-да! — деди Шукур ака. — Шунга сўраяпман-да, шунга келганда тақалиб қолди-да.

— Ҳикоями?

— Билмадим... кейин маълум бўлади.

— Ёзиб бўлганингиздан кейин менга ҳам бир ўқитиб олинг.

— Хўп, айтганингизни қиламан...

— Унда айтаман Шукурвой, ёввойи чўчқанинг урғочисини ёзсангиз урғочи деб юрманг, мегажин дея қолинг...

— Во-о! — деб юборди Шукур ака.

— Баъзилар сигирнинг боласи, эркак эшак, аёл эчки дегандай палапартиш бўлмағур сўзларни бемалол ишлатиб юборишаверади, — деди куюнгандай бўлиб Мавлон ака. — Мана, сиз катта ёзувчи бўла туриб ҳам сўращдан ор қилмайсиз. Бундан буён ҳам парранда-даррандалар ҳақида, ҳайвонотга оид бирон бир савол туғилгудек бўлса, бемалол сўрайверинг, Шукурвой. Сиздан гонорар талаб қилмаймиз, — дея ҳазиллашиб Мавлон ака залдан чиқа бошлади.

Биз у кишига эргашдик.

### 3

Бир гал ярим тунда, соат бир-иккилар бўлса керак, хонамнинг эшигини кимдир оҳиста тиқиллатди. Кўзим энди уйқуга илинган эди, туриб бориб эшикни очиб қарасам — Шукур ака!

— Ухламадингизми? — деди оҳиста жилмайиб.

Шоша-пиша кўзларимни уқалаб:

— Йўқ, — дедим.

— Менинг хонамга чиқинг.

— Хўп.

Шукур ака кетди. Мен бўлсам, турли ўйларга борганча кийиниб чиқдим. Илҳом париларининг осудалигини бузмаслик учун бўлса керак, йўлакда на тиқ этган товуш эшитилар, на хоналарда йилт этган нур кўринар, барча уйқу оғушида эди.

Шукур аканинг хонаси тепа қаватнинг энг охирида эди. Мен ҳам илҳом париларининг осудалигини бузмаслик учун оҳиста қадам босганча Шукур аканинг хонасига етдим. Хона эшиги қия очиқ эди. Секингина тиқиллатдим.

Ичкаридан Шукур аканинг:

— Кираверинг, — деган ўктам овози эшитилди.

Кириб борсам, одатдагидек саранжом-сариштa хона. Ўртадаги стол усти ораста жиҳозланган, мева-чева, егуликлар қўйилган... нима десамикан, ярмидан озроғи ичилган арoқ бутилкаси ҳам бу нозу неъматлар ўртасида кўриниб-кўринмайроқ турарди.

Шукур ака сигаретни обдон бурқситиб ўткиридан, "Астра" деган фильтрсизидан чекарди, фильтрли сигаретларни ҳам писанд қилмаётгандек фильтрини тиши билан узиб ташлаб чекарди, бу ҳаракати билан ҳам гуёки олифтагарчиликни ёқтирмаслигини пеш қилаётгандек бўлиб туюларди. Шу сабабли бўлса керак, деразалар ланг очиқ, хонага этни сал-пал жунжиктирувчи бўлса-да, туннинг ёқимли ҳавоси ташқаридан уфуриб турарди.

— Ўтиринг, — деди Шукур ака менга жой кўрсатиб.

Мен унинг айтганини қилдим.

Лекин ҳамон бу бемаврид таклифнинг сабабини билмасдим.

— Бугун Паркентдан университетда бирга ўқиган бир акамиз келувди... Асом ака деган, — сўз бошлади Шукур ака қандайдир бегона нарсалар ҳақида гапираётгандек ўта хотиржамлик билан. — Сиз у кишини танисангиз керак... болалар учун шеърлар ҳам ёзади... Шу-у... ёшлари биздан катта бўлса-да, ҳозиргача ҳурматимизни қилиб юради, оқибатли одам... Бирга ўтириб талабалик йилларимизни эслашдик, — Шукур ака столга ишора қилиб қўйиб, — қиттай-қиттай ҳам қилдик... Бир маҳал эшик тақиллаб сизларнинг қаватдаги шоир оғамиз келиб қолди-ку, — Шукур ака ўрнидан туриб дераза рафидаги гулдонни кўтариб келди, гулдонга гул ўрнига ҳар хил дашт ўтлари, бута шохчаларидан солиб қўйган, улар қуриб-қовжирай бошлагани билан ўз ифорини йўқотмаганди.

Шукур ака улар орасидан бинафшаранг баргчалари қуврай бошлаган кичкина шохчани кўрсатиб:

— Сиз бунинг номини биласизми? — деб сўради.

Бу тошлоқларда, сойларда ўсадиган абрўк деган ҳиди ўткир бутанинг шохчаси эди.

— Абрўк, — дедим.

— Яшанг, — Шукур ака суюнди, — чойга озгина гулини майдалаб қўшиб юборгандим, ҳалиги шоир оғамиз бу гулобми деб сўради. Шукур ака қаҳ-қаҳ уриб кулди: — гулобни қаердан биларкан, ҳайронман... Кейин шу абрўкни кўрсатсам ҳайрон бўлди, ҳиди зўр экан деди, лекин абрўклигини билмади... Буни-ку қўя туринг, бир маҳал нима дейди денг... Айтадики, шу-у Қодирийни ўқияпман, айтганларича бор экан-да, зўр ёзувчи экан-да, дейди... Э, омон бўлинг-э, оға, олтмишга кирганда шу нарсани кашф қилган бўлсангиз, энди Шолоховни ҳам ўқишингиз керак экан, дедим... У киши бўлса: "Шукуржон, мободо сизда Шолоховнинг китоблари бўлса, бериб туринг, ўқиб бўлиб қайтиб бераман", — дейди, киноямни тушунмабди. Ана сизга!

— Асом ака абрўкни таниган бўлсалар керак? — деб сўрадим Шукур ака эринмай гулдонни яна ўз жойига олиб бориб қўяётганида.

— Ҳа, албатта, Паркентдаям ўсади-да, Асом ака табиатни севадиган одам, билиб юради. Шу-у... ўзи болалар шоирлари табиатга кўпроқ яқин бўлишадими дейман-да, мен Қуддус Муҳаммадийни ҳам яхши кўраман, тоза одамда. Шунақа қилиб, ҳалиги шоир оғамиз Шолоховни топиб албатта ўқишим керак экан, деганича бир-икки соат ўтириб кетди, бошқа ҳеч ким безовта қилмади, Асом ака билан гурунглашиб ўтиравербмиз-да, ҳализамон кетди-да. "Қолинг" деб шунча қистасам ҳам унамади, пастга кузатиб тушдим. Қарангки, у машинада келган экан, ҳайдовчиси кимлигини суриштириб ўтирмадим-у, аммо, унинг Асом акага содиқлигига қойил қолдим. Шунча вақт кутибди. Кейин ҳам уйқум келмади. Сизни безовта қилганим шундан, — Шукур ака бутилкага ишора қилиб, — энди оз-оздан қўйсангиз, гаплашиб ўтирибмиз-да, —деди.

Эртаси дам олиш куни эди.

Шукур аканинг айтганини қилиб, ишора берган маҳалида оз-озгина қўйиб сўзлашиб ўтиравербмиз.

Бир маҳал дераза орти ёришиб келаётганини пайқадик.

Шукур ака ўрнидан туриб дераза олдига борди.

Қия очиқ деразаларнинг пардасини бир четга суриб, уларни ланг очиб юборди.

Ташқарига тикилганича гап-сўзсиз ўз ўй-хаёлларига берилиб узоқ вақт туриб қолди.

Тонгга қадар Шукур ака ҳаёт, адабиёт, кўрган-кечирганлари, сафарлари, дилига яқин одамлар... борингки, турли мавзуларда жуда қизиқарли нарсаларни айтиб берганди.

Энди бўлса дераза олдида оқаришиб келаётган тонгга чуқур ўй-хаёллар оғушида термулганича теварак-атрофни унутиб қўйгандек бир ҳолда турибди.

Балки бугунги учрашувлар, суҳбатлар таассуротида нималардир эсига тушиб қолиб, ёзажак бирон асарининг ғояси туғилаётгандир?

Балки яна бир тонг ортда қолаётганини, инсон умри югурик сувдек ўтиб кетаётгани унинг хаёлидан кечаётгандир?

Балки у ўз ҳаётига назар ташлаётгандир?

Буни биз билмаймиз.

Аммо биз адибнинг сермашаққат меҳнати эвазига тикланган муҳташам асарларини биламиз, бу асарларнинг қаҳрамонлари нақадар танти ва мард эканликларидан қойил қоламиз. У ўзига хос адабий аҳоли яратиб, ўзбек характерининг бетимсоллигини намоён этгани учун ғурурланамиз, у сохта шон-шуҳрат, обрў-иззат талаб қилмасдан олдига улуғвор вазифа қўйганча, мана шунақа бўлади, дея ўзлигини кўрсата олганидан, шундай фарзандни берган халқ боқийлигидан кўксимиз кўтарилади.

### 4

Боғда истиқомат қилаётганлар кўпинча эрталаблари спортчилардек кийиниб югуришар, спорт машқларини бажаришар, овқатдан кейин ҳам бир-бир айланиб келишни канда қилишмасди.

Аммо Шукур ака учун бунақа нарсалар ёт эди.

У киши ташқарига чиқсаям кўп узоқламай, боққа кираверишдаги улкан арғувон остига бориб тик турганча бирпас хаёл суриб сигарет чекиб турарди-да, кейин дарҳол тез-тез юриб хонасига кириб кетарди.

Арғувон гуллаган пайтда одатдагидан кўра кўпроқ чиқарди.

Бир гал кечки овқатдан кейин Шукур ака одатдагидек чой дамланган чойнакни кўтариб хонасига чиқиб кетаркан:

— Ҳозир тушаман, — деди.

Мен у кишининг гапини кутиб туринг, мазмунида тушуниб, кута бошладим.

Уста кўп куттирмай қайтиб тушди.

— Юринг, — деди.

Ўзи йўл бошлади.

Мен эргашдим.

Шукур аканинг қаерга бормоқчи бўлганини, мақсади нималигини сўраб ҳам ўтирмадим — нима бўлса, кўраверамиз-да.

У одатига хилоф равишда боғдаги алоҳида коттежлар ёнидан ўтадиган йўлдан юра бошлади.

Уч-тўрт коттеж олдидан индамай ўтди-да, ичкарида чироқ ёниб турган биттасининг олдида тўхтаб:

— Иброҳим ака уйдалар, шекилли, — деди оқсоқол ёзувчи Иброҳим Раҳим ҳақида сўз бошлаб. — Сиз у кишининг асарларини ўқиганмисиз?

— Ҳа... айримларини.

— Мен ўқимаганман, тўғриси ўқиёлмаганман, — деди Шукур ака энди бу ҳақда мулоҳаза юритиб ўтирмайлик дегандек, — лекин, бу одам улуғ одам, — деб қўшиб қўйди.

— Инсон сифатида демоқчисиз-да?

— Инсон сифатида ҳам баҳоси йўқ. Мен "Гулистон" журналида шу одамнинг қўлида ишлаганман, — деди Шукур ака нималарнидир хотирлаётгандек, — бош муҳарриримиз эди... Жасоратига қойил қолганман. Мана, ҳозир ҳамма бирдек унақа жафо кўрганман, бунақа ишлар қиворгим келган деб айюҳаннос кўтаришади. "Ёв қочгач, ботир кўпаяди", дейишади-ку. Аммо бу киши бир оғиз ҳам миннат қилмади-я. Йўқса, ўшанда, ҳали шўронинг тазйиқи энг кучайган кезларда қўрқмасдан шартта "Темур тузуклари"ни журналда бердиртириб юборувди. Биз ҳам қанақа бўларкин деб турганмиз, ўзим жавоб бераман, тайёрланглар деган-а... Расул Гамзатовнинг "Менинг Доғистоним" асарияем шу кишининг далдаси билан чиқиб кетган. Унияm чиқаришга ўша пайтларда анча-мунча одамнинг юраги бетламасди, — Шукур ака яна уйга қараб қўйиб. — Ҳозир кириб борсак, жуда қувониб кетса керак. Жуда меҳмондўст-да Иброҳим ака, — деб қолди.

— Эшикни тақиллатайми? — дедим.

— Йўқ, бошқа сафар... бирон кун кундуз куни келамиз... — деди Шукур ака яна йўл бошлаб.

Саранжом-сариштa бир коттеж олдида тўхтаб:

— Бу ерда сизнинг ҳамшаҳарингиз Пиримқул ака яшайди, — деди.

— Биламан.

— Шу-у... Пиримқул аканинг меҳнаткашлигига қойил қоламан-да, — деди Шукур ака сўзни энди Пиримқул Қодиров томонга буриб, — мана шу коттежларда ҳаммаям ижарада туради, лекин, Пиримқул ака ҳовлига астойдил қараб, гуллатиб ўтиради, ана-а қаранг, йўл четларига ҳам бир нималарни экиб, кўкартириб қўйган, — Шукур ака сигарет тутатиб олиб, давом этди, — мен Пиримқул акани жуда мулойим, біровга қаттиқ гапирмаган одам деб ўйлаб юрардим...

— Ҳақиқатдан ҳам шунақа-да.

— Шу кишининг бир гал қаттиқ жаҳли чиққанини кўрганман, — деди Шукур ака, — унинг "Юлдузли тунлар" романини катта бир йиғинда катта бир олим (Шукур ака унинг исм-шарифини айтган эди,айрим мулоҳазаларга борган ҳолда бу ерда келтиришни лозим топмадим — **Ш.Б.**) юқорининг топшириғи билан асоссиз танқид қилиб қолди-ку... Яна ўша эски гаплар, Бобур шоҳ бўлган, уни қанака қилиб мақташ мумкин дегандай гаплар... Тепада ўтирганлар ҳам пастда ўтирганлар ҳам у нима учун бунақа деяётганини билиб турибди. У олим ҳам ўзининг гапини айтаётгани йўқ. У ерда ҳар хил гаплар бўлди, майли уларни айтиб ўтирмай. Охирини эшитинг, йиғин тугади, ҳалиги олим ҳам топшириқ асосида танқидининг асоссиз эканини билганми, ишқилиб, ҳамма ташқарига чиқаётганда у Пиримқул аканинг қаршисига келиб кўришиш учун қўлини узатса бўладими? Вой тавба, жуда ғалати халқмиз-да, а? Пиримқул ака унга ғазаб билан бир қараб қўйди-да, бор-э, дея жеркиганича яхшигина сўз айтиб сўкинди-да, унинг қўлини қайириб ташлади. Пиримқул аканинг сўкинганини шунда биринчи ва охирги марта эшитганман. Бошқа одам бўлганда пазор бўлиб ерга кириб кетарди. Қарасам ҳалиги олим ҳеч нима бўлмагандек кетиб бораяпти. Вей, қизиқ одамлар-да... Пиримқул аканинг жасоратига ўшанда қойил қолганман, ичимда мақтаб, ўзимча яшанг, деб қўйганман.

— Пиримқул аканикига кириш ниятингиз йўқми? — деб ҳазиллашдим.

— Йўқ, йўқ, юринг, — дея у яна йўл бошлади.

Шукур ака шу тариқа у уйнинг олдида ҳам, бу уйнинг олдида ҳам тўхтаб ижодкорлар ҳақида бўлиб ўтган ҳар хил гапларни айтиб берарди. Баъзиларини ўзи ҳам танқид қилиб қўярди. Лекин, барибир, Шукур аканинг ҳикоя йўсинидан шу нарса сезилардики, у ўзи мансуб бўлган катта ўзбек адабиётининг тараққиётига ижоди биланми, ижтимоий фаолияти биланми ҳисса қўшганларни ич-ичидан ҳурмат қилар, уларнинг қадрини билар, улуғлар эди.

Биз шу тариқа айланиб юриб, бир маҳал Ўлмас Умарбеков яшаётган уйнинг олдига келиб қолдик.

Шукур ака бўйнини чўзиб ҳовлига мўралади-да:

— Умарбеков уйда, — деди.

— Кирамизми?

— Ҳа, — Шукур ака бир зум ниманидир мулоҳаза қилиб ўйланиб қолди-да, сўнгра, — сиз шу ерда қимирламай туринг, мен ҳозир, — деганича шаҳдам юриб кетди.

У беш-ўн дақиқадан сўнг қайтиб келди.

Қўлида қоғозга ўроғлик нимадир бор эди.

Шукур ака уни кўрсатиб:

— Умарбековда ҳар хил вискилар борлиги аниқ, — деди. — Лекин бунақаси бор-йўқлигини билмайман... Кейин у ҳозир ичмасаям керак, ўзимиз майдалаймиз, — деди.

Ўлмас Умарбеков ташқарида стол қўйиб ўтирган экан.

Узун-қисқа бўлиб кириб бораётганимизни кўриб у дарҳол ўрнидан турди-да, бизга пешвоз кела бошлади.

Икки адиб минг йил кўришмаган қадрдонлардек бир-бирини обдон бағрига босишиб кўришишди.

Мен шу чоққача Ўлмас Умарбеков билан ҳеч юзма-юз бўлмаган эдим.

Шукур ака билан кўришиб бўлгач у менга ҳам қучоқ очди.

Иккаламиз қучоқлашиб кўришиб турганимизда Шукур ака бизни таништириб қўйишга ҳам улгурди.

Ўлмас ака оиласидагиларга ишора берганди, дарҳол стол устига дастурхон ёзилди. У томоғини ўраб боғлаб олган, овози чиқмас, фикрини имо-ишоралар билан англатар эди. Унинг юз-кўзларида бизнинг кириб келганимиздан ниҳоятда хурсанд бўлганини билдирувчи ифодалар барқ уриб турарди.

Дастурхонга чиройли каржланган тарвуз келтирилди.

— Шу бўлади, — деди Шукур ака ва кейин ўзи бутилканинг қопқоғини очиб Ўлмас акага, ичасизми, дегандек ишора қилди.

Ўлмас ака қўлини кўксига қўйганча, раҳмат, ишорасини қилди. Кейин яна имо-ишоралар билан сизлар бемалол, дегандай дастурхонга пешма-пеш келтириб қўйилаётган ноз-неъматлардан олиб ўтиришга қистарди.

Шукур ака кириб келиши билан бу хонадонда ўзгача хатти-ҳаракатлар бошланиб қолганидан сездимки, Ўлмас Умарбеков ва унинг оила аъзолари Шукур Холмирзаевнинг ҳурматини жойига қўйишга интилишар, уни жуда эъзозлагилари келар экан.

Шукур ака баланд-баланд товушда сўзлар, Ўлмас ака майин табассум ила уни диққат билан тинглар, ўрни келганда ўзи ҳам имо-ишоралар қилар, биз унинг нима демоқчи бўлганини дарҳол фаҳмлаб олар эдик.

Шу тариқа вақт алламаҳал бўлгунча ўзига хос адабий гурунг давом этди.

Ахийри, биз кетишга изн сўрадик.

Ўлмас ака имо-ишоралар билан узоқлашиб кетманглар, мен шу ердаман, хоҳлаган вақтларингизда келаверинглар, дея бизни ташқарига кузатиб чиқди.

Шу учрашув асносида пайқадимки, Шукур Холмирзаев билан Ўлмас Умарбеков ҳавас қилгулик дўст бўлишган экан.

Улар бир-бирларининг ҳурматини жойига қўйишар экан.

Бу икки катта ижодкор дўстлигининг замирида адабиётга муҳаббат, инсоний сифатларни улуғлаш, бир авлод вакиллари сифатида бир-бирининг қадрини жуда яхши билиш, бир-бирини тўғри тушуна олиш ҳис-туйғулари бўлгани шубҳасиздир.

Ўлмас Умарбековнинг асарлари билан таниш эсам-да, Шукур аканинг шарофати туфайли ўшанда унинг ўзи билан илк марта юзма-юз кўришган эдим.

Афсуски, сўнггиси ҳам шу бўлган экан.

### 5

Ўзбекистон радиоси бош режиссёри Раҳмат Жумаев шинаванда, адабиётни яхши биладиган, шоир-ёзувчиларни кўрса, авлиёни кўргандек қувониб кетадиган ижодкорлардан эди. Ҳозирга қадар радионинг олтин захирасида Раҳмат Жумаевнинг замонавий ва мумтоз ўзбек адабиётидан, жаҳон адабиётидан ўнлаб радиоинсценировкалари, радиопьесалари сақланади, вақти-вақти билан эфирга узатиб турилади. Шу кишининг ҳам Шукур акага меҳри бўлакча, унинг янги асар ёзишини кутиб юрар, ҳали сиёҳи қуримасдан қўлга киритар ва хурсанд ҳолда бизнинг адабиёт ва радиотеатр деб аталган муҳарририятимизга кириб келиб:

— Шукур акадан янги асар үндирдим, — деб суюнчи олар эди.

Ўшанда мен бош муҳаррир эдим. Бизга қўйиладиган ўзига хос талабларни назарда тутиб:

— Қани, аввал бир ўқиб кўрайлик, — десам, Раҳмат ака шошқалоқлик билан:

— Биласиз-ку, Шукур ака ёмон ёзолмайди, режага киритаверинг, мен ишни бошлаверай, кейин ўқийверасиз, — дерди.

Муаллиф бўлса қорасиниям кўрсатмас, Раҳмат ака унинг радиодаги мухтор вакили каби иш юритарди.

Шукур Холмирзаевнинг "Булут тўсган ой" ҳикоясини ҳам Раҳмат Жумаев шу тариқа ундириб келди.

Ҳикоя барчага ёқди.

Раҳмат Жумаев ишга киришиб кетди. У актёрларни хонасига чақириб олиб, соатлаб репетиция ўтказар, овоз режиссёри борми, бастакор борми — барчасини аввалдан белгилаб, асарни ўқиб чиқишга мажбур қилар, асар ҳақида улар билан баҳслашар, кўнгли тўлгач, студияга буюртма бериб магнит тасмасига ёзиб олишга киришар эди.

Раҳмат Жумаев бир куни:

— Бўлди! — деди.

Бошқа ташвишлар билан юрганим учунми, ёдимдан кўтарилган экан:

— Нима бўлди? — деб сўрадим.

— Э, омон бўлинг-э?! — деди Раҳмат ака хафалангандек. — Мен бир ойдан ортиқ кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаб ётсам-у, сиз бўлсангиз...

Миямга дарҳол "Булут тўсган ой" урилди.

— Муаллифнинг ўзиниям хабардор қилдингизми? — деб сўрадим ўзимни унинг гинасини эшитмаганга олиб.

— Шукур ака эртага келади, менинг хонамда аввал учаламиз эшитиб кўрайлик-а, фикрлар бўлса, айтарсизлар, кейин бадиий кенгашга топширамиз, — деди Раҳмат ака.

Мен унинг фикрини маъқулладим.

Давоми бор.

Давоми. Боши ўтган сонда.

1 2 3

■ **МУНОСАБАТ**

*Маълумки, саломатлик алоҳида бир шахснинг эмас, балки бутун халқ ва миллатнинг бебаҳо бойлиги. Ўзини англаш, ўз қадр-қимматини муҳофаза қила билиш, соғлик ҳақида қайғуришдан бошланади, деса ҳеч хато бўлмайди. Тиббий маданияти юксак элнинг фикр ҳаётида маънавий ожизлик, шикастлик, хулқий ночорлик каби офатлар томир ёзолмайди. "Соғлом танда — соғлом ақл"*

# Қомусий луғатни варақлаганда...

Соғликнинг шакл-шамойили бир хил. Беморлик ва касалликнинг-чи? Исми ҳам, тури ҳам кўп. Шу қадар кўпки, тиббиёт тили асосан хасталиклар, уларни даволашда қўлланиладиган калима ва истилоҳлар ҳисобига бойиб борган. Боз устига ушбу жараён умуминсоний миқёс касб этган. Чунончи, тиббиёт ва унинг тармоқлари учун муштарак терминлар ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат мулкига айланиб борган. Бунда амалий тиббиёт тараққиётининг роли, албатта, муҳим бўлгани шубҳасиз.

Бундай қараганда, сўз ва истилоҳ бир белги, бир ишорат. Лекин уларнинг маъно-моҳияти билан қизиқсангиз, қанчадан-қанча фикр ва маълумотга эришасиз. Тасаввуфда қалб кўзи мазмунини билдирадиган "басират" деган сўз бор. Бир вақтлар шу сўзга таяниб тадқиқотлар олиб борган ғарблик икки олим тиббиётда янги номдаги кашфиёт яратган. Демоқчиманки, медицина тили фақат бевосита эмас, билвосита тарзда ҳам инсон онги ва билимининг кенгайишига яқиндан ёрдам беради.

Мустақилликдан кейин бошқа фан тармоқлари сингари тиббиёт илми ҳам эркин ривожлана бошлади. Бунинг ёрқин бир далили А.Усмонхўжаев, Э.Баситхонова, П.Назирова, М.Тўрахоновларнинг шу йили нашр қилинган икки жилдлик "Тиббий терминлар энциклопедик луғати"дир. Тиббиётда ишлатиладиган йигирма мингдан ортиқ асосий термин ва тушунчаларни қамраб олган мазкур луғат ҳақиқатан ҳам қомусий хусусиятга эга.

Луғат яратиш осон иш ва бирданига қўлга киритиладиган муваффақият эмас. Луғат устида тер тўкиб меҳнат қилган ва луғатчилик заҳматини чеккан кишилар буни яхши билишади. Тиббиёт мутахассислигига менинг алоқам йўқ. Бироқ ушбу луғатни кўздан кечириб, биринчидан, унга шу соҳа бўйича ҳозирга қадар эришилган ютуқлар мужассамлашганига, иккинчидан, уни ўқиш оддий одамларга ҳам кўп фойда етказишига аниқ ишондим. Ахир анатомия, физиология, тиббий психология, фармокологияга доир атама ва тушунчалардан бохабар бўлиш, қайси бир жиҳатдан адабиётдаги "вуҷудномa" деб аталган асарларни ўқишга ўхшаб кетади. Бу ҳам инсоннинг ўзини билиш ва танишининг бир йўли.

Луғат бор-йўғи минг нусхада босилган. Шундоқ катта, хайрли иш амалга оширилса-ю, ундан кўпчилик, хусусан, тиббиёт ходимларининг катта қисми фойдалана олмаса — буни қандай тушуниш ё тушунтириш мумкин? Бизнингча, "Тиббий терминлар энциклопедик луғати"нинг тўлақонли умр кечириши учун ана шу муаммони ҳал қилиш ва нашр ададини эҳтиёж даражасида кўпайтирмоқ лозим.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори.**

■ **БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ**

# Не ажаб бу дунё шундай сеҳрли



*Тиниқ осмонда порлайди қуёш,*
*Боққанда меҳрдан ёнар кўзларим.*
*Нурлари қалбимга солди бир оташ,*
*Қуйилиб келади дилдан сўзларим.*

*Шундай гўзаликки ям-яшил олам,*
*Дарёлари тошган ўзанларидан.*
*Тупроғини олиб бағримга боссам,*
*Ҳаёт ҳиди келар хазонларидан.*

*Ажиб бир ҳаяжон, ажиб бир баёт,*
*Нурларга тўлдирар менинг танимни.*
*Нурафшон кўринар энди бу ҳаёт,*
*Ватан меҳри эгаллаб олди жонимни!*

* * *

*Нур юзин чимматлаб, тортқилаб турган,*
*Қора туннинг қора ипи узилар.*
*Меҳрли она ернинг оташ бағридан,*
*Гуллар ҳам юз очиб, кўкка чўзилар.*

*Не ажаб бу дунё шундай сеҳрли,*
*Оламга юз очса эрта тонг қуёш.*
*Сариқ зар рўмолин ёйгач бу малак,*
*Юзидан нур олар бутун кекса-ёш.*

*Тонг отди борлиққа очиб нигоҳин,*
*Тириклик куйини бошлади инсон.*
*Ён атроф уйғонар очиб чиройин,*
*Тонг билан бошланар умр ва замон!*

**Дилнода ИБРАГИМОВА,**
**Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.**

## НУР РАНГИГА БЕЛАНГАН ДУНЁ

*Йўлакларда шитирлайди куз,*
*Нур рангига беланган дунё.*
*Хаёлларим тўкилар маъюс,*
*Туйғуларим ёнади гўё.*

*Кипригимда ғуссалар акси,*
*Қушлар қайга учади бетин.*
*Олтинрангли япроқлар рақси,*
*Англатади умр ҳикматин.*

## ҚИШЛОҚ

*Боғларида гуллайди хазон,*
*Дарахтлари гўё беланчак.*
*Қир-адирлар бағрида ҳамон,*
*Саҳарлари дилбар келинчак.*

*Чўлларида чанқовуз янграр,*
*Найқамишлар садосига ғарқ.*
*Кўзларимда абадий яшар,*
*Ота макон — бу она қишлоқ.*

**Муслима БЎРИЕВА,**
**Бойсун туманидаги 47-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.**

ЎЙЛАР

# ЭШИГИ ОЧИЛМАГАН ХАЗИНАЛАР



Бизнинг устозимиз, йирик адабиётшунос олим, академик Матёқуб Қўшжонов кўпинча бир ҳикматли воқеани гапириб юрар эди. Қудуқдан сув тортиш учун ходага боғлаб қўйилган от, уни бир пайт арқонда бўшатишганидан кейин ҳам, қудуқ атрофида айланаверишга одатланиб қолган экан. Таъбир жоиз бўлса, биз баъзан шу отни эслатамиз. Мустақилликка эришганимизга ўн саккиз йил тўлиб, ўн тўққизинчи йилга йўналганимиз, Юртбошимиз айтмоқчи "Кечаги кўприклар аллақачон ёқиб ташланган"га, янги кўприклар тикланаётганига қарамай, биз аксар эски "қудуқ атрофида" айланаётгандек таассурот уйғонади. Жамиятнинг олдинги сафида туриши керак бўлган зиёлиларимиз — ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар менга ҳамон "Кечаги кун занжирлари"ни узиб ташлаб, бирон жиддий ташаббус кўрсатиб, ҳаёт ўзгариши янада яхшиланишига кам, ниҳоятда кам аралашаётгандек туюлади. Биз ҳамон "бундоқ қилсам, ёмон бир гап чиқмасмикин?" деган кайфиятда юрибмиз. Мустақиллик, эркинлик очган кенг йўлга дадил кириб бормаяпмиз.

Ана қишлоқдаги оддий бир адабиёт муаллими қўлига тушган китобларни жамлаб, уйида кутубхона очибди. Отасига раҳмат! Бошқа юзлаб, балки минглаб адабиёт муаллимлари беш-ўн йил ичида қўлига янги китоб олмай қўйганига эса бизнинг бировимиз ортиқча аҳамият берганимиз йўқ. Нега? Зиёлилар (ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар) ўзи (ўзимиз) китоб ўқишни унута бошлаган. Ёзувчи бўлишни орзу қилиб "нималардир" ёзиб китоб тузаётган ёшларимиз аксари Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор номларини "тутилиб" тилга олади... Яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида Ойбек домланинг рафиқаси, истеъдодли кимёгар олима Зарифа Саидносированинг "Гул барги" деган китоби босилиб чиқди. Биз олдинроқ Зарифа опанинг "Ойбегим менинг" (тўғрироғи, "Ойбегим") китоби билан танишган эдик. Зарифа опа ўзини хокисор тутиб, Ойбекка, ҳатто фарзандларига кўрсатмай "ўзича" шеър ёзиб юрган экан! Ажойиб шеърлар! Ойбек домла шеърларининг давоми каби! Лекин китоб атиги 500 нусхада босилибди. Сабаб? Ойбек уй-музейининг қўли қисқа. Нашриёт китоб сотилмай қолишидан қўрқади. Бизнинг янги аср авлодимиз бу китобни кўрмаслиги, ўқимаслигига ўкиниш мумкин, холос.

Юртбошимизнинг ўтган йили босилган "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби, бу йил Адабиётни ривожлантириш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари фақат маданият, адабиёт эмас, умуман ижтимоий ҳаётимизда ҳеч муболағасиз, катта воқеа эканини олдин ҳам бир-икки мақолада ёзган эдим. Яна таъкидламоқчиман: Бу — энг аввало, бизнинг ҳар биримиз фаол бўлиб, куюниб, бел боғлаб эзгу ишлар қилишимизга даъватномадир. "Ҳамма нарса ўзи-ўзидан яхши бўлиб кетади" деган танбал кайфиятдан воз кечишга тўғри келади.

Ўзбекистон радиоси баъзан адибларнинг туғилган кунлари ёки марҳум бўлган саналарини қисқача шаклда эслатиб боргани яхши ташаббус. Ҳозир дабдабали тўйлар, базмлар даври эмас. Бунинг кераги ҳам йўқ. Аммо газеталаримиз ҳам адиблар, санъаткорлар, олимларни, айниқса, улар орасида ўтиб кетганларини эслаб, уларга тегишли саналарни мунтазам қисқача бериб борса, ёмон бўлмасди (айрим газеталар баъзан бу ишни амалга ошираяпти). Бундай давомдорлик, узвийликдан тарбия учун муҳим яхлит манзара ҳосил бўлади. Менимча, китоб сотилиши ва тарғиботининг янги шаклларини ҳам излаш керак. Баъзи мамлакатларда ҳар бир китоб (албатта, қимматга молик китоб) чиқиши эътиборга сазовор воқеага "айлантириб" юборилади. Бир мақоламда "китоб савдоси ҳам бизнес бўла олади" деб ёзган эдим, чиндан китоб фойда келтира олишини унутмаслик жоиз.

Мени, айниқса, адабий мерос масаласи қизиқтиради. Дейлик, кечаги кунда яшаб ижод қилган устоз адибларнинг қайси асарлари бу кун эскириб, қайсилари адабиётга хизмат қила олади? Биз ҳали умумий хирмондан уларни "ажратиб" олганимиз йўқ. Масалан, Мамарасул Бобоев ёки Султон Акбарий деган шоирлардан қандай мерос қолди, биз билмаймиз, кўп ёшлар уларнинг номини ҳам билмайди. Қайсидир ижодкор умрини сарфлаб бунёд этган мерос йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Қадриятга катта эътибор берилаяпти. Лекин ёшлар учун доим намуна бўладиган қаҳрамонлар керак. Биз адабиётда қаҳрамонлик мавзуини унутгандекмиз. Шундай руҳдаги асарларнинг кўпроқ босилиши ва тарғиб қилинишига эҳтиёж сезилаяпти, деб ўйлайман.

**Омон МУХТОР,**
**ёзувчи**

## *Ён дафтардан*

**Жумбоқ**

Тўғри, ортиқча пулни фоний дунёга олиб кетиб бўлмайди, лекин шу сабил етарлича бўлмаса боқий дунёда хотиржам яшаб бўлмайди.

**Ози ширин**

Насиҳат лимон мевасига ўхшайди: бир-икки бўлаги одамга хуш ёқади, кўпи оғизни таҳир қилиб, ўзидан бездиради.

**Хўжакўрсин**

Баъзи идора ходимларини икки тоифага ажратиш мумкин: биринчилари ишлаш учун ишга келади, иккинчилари ишлайди деб ҳисоблаганликлари учунгина ишга келади.

**Асл иқтидор**

Иқтидорли одамларга баҳо беришга уринишни бозордаги асалнинг асллигини аниқлаш жараёнига ўхшатиш мумкин: кимдир ҳидлаб кўради, кимдир татиб кўради, яна бири суриштириб кўради... ва бу ҳол асал асл харидори қўлига тушгунча давом этади. Унгача асалнинг тозалиги ҳам, қалбакилиги ҳам номаълумлигича қолаверади.

**Модапарастлар**

Шундай модапарастлар борки, улар нафақат модага қараб кийинадилар, ҳаттоки, мода билан гапирмоқчи ҳам бўладилар.

**Булут дўстлар**

Баъзи дўстлар булутга ўхшайдилар: эгарда турсанг қишки булут мисол ёпирилиб келадилар, эгардан тушсанг ёзги булут каби бир зумда тарқалиб кетадилар.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**

РАССОМ ХАНДАСИ




Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

СПОРТ

### ЛОНДОНДА МОНУМЕНТ ҚУРИЛАДИМИ?



Лондон шаҳри мэри Борис Жонсон 2012 йилда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига бағишлаб Британия пойтахтида улуғвор монумент қуриш таклифи билан чиқди. Қурилиши мўлжалланган мазкур иншоот Париждаги Эйфел минораси билан рақобатлашиши кўзда тутилган. Ҳатто ҳозирда лойиҳага ҳомий ҳам топилган. У дунёнинг энг бадавлат инсонларидан бири бўлган пўлат саноати бўйича магнат Лакшми Митталдир. Айрим манбаларда айтилишича, миллиардер монументни қуришга 15 миллион фунт стерлинг сарфламоқчи. Бу ҳақда The Daily Mail хабар тарқатган.

Ҳозирда иншоот лойиҳасини ҳайъат аъзолари кўриб чиқишмоқда. Танлов якунлари эса ноябрь ойининг ўрталарида эълон қилинади. The Daily Mail нашрининг ёзишича, номзодлар орасида таниқли ҳайкалтарошлар Аниш Капур ва Энтони Гормлилар бор. Шунингдек, айни пайтда монумент суратининг хомаки нусхаси рассом Пол Фрайр томонидан тақдим этилган. Ушбу иморат Лондон шарқидаги Олимпия боғида қад кўтариши мумкин.

Бугун монумент қуриш ғояси Буюк Британияда қизғин муҳокама қилинмоқда.

### ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИ ОЛИБ ҚЎЙИЛДИ



Юз метрга югуриш бўйича Хитой чемпиони Ван Цзиннинг допинг истеъмол қилгани маълум бўлди. Спортчидан олинган таҳлил натижалари унинг қонида тестостерон моддаси миқдори ошиб кетганини кўрсатган. Ван Цзин 21 октябрда Хитойда ўтказилган Миллий ўйинлар мусобақасида зафар қозонган эди. Аммо Associated Press ахборот агентлиги хабарига кўра, ундан чемпионлик камари олиб қўйилган. Бундан ташқари спортчи 200 метрга югуриш мусобақаларидан ҳам четлатилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ван Цзин Миллий ўйинлар мусобақаси иштирокчилари орасида допинг истеъмол қилган учинчи спортчи. Бундан олдин Ли Цзе ва Го Линьналарнинг қони таркибида ҳам тақиқланган моддалар борлиги аниқланган.

### МИХАИЛ ЮЖНИЙ "КРЕМЛЬ КУБОГИ —2009" ҒОЛИБИ



Россиялик теннисчи Михаил Южний Москвада бўлиб ўтган XX халқаро "Кремль Кубоги —2009" турнири ғолиби бўлди. У мусобақанинг финалида йигирма беш ёшли сербиялик Янко Типсаревични 6:7, 6:0, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ракетка усталари учун қийин кечган мазкур беллашув бир соату қирқ тўрт минут давом этди.

Москвада эришилган ютуқ Михаил Южнийнинг фаолияти давомидаги бешинчи, жорий мавсумдаги дастлабки ғалабаси бўлди. Ушбу зафардан кейин россиялик теннисчи 170 000 доллар пулни ва 250 рейтинг очкосини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, шу пайтгача теннисчилар бирбири билан икки марта рўбару келган бўлиб, ҳар сафар сербиялик спортчи зафар қозонган.

### ДЭВИД БЕКХЭМ ЯНА "МИЛАН"ДА




Италиянинг "Милан" футбол клуби президенти Адриано Галлиани кейинги йилнинг январь ойидан бошлаб клубга Англия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Дэвид Бекхэм келиб қўшилишини маълум қилди. Машҳур футболчи "Милан" таркибида ижара асосида тўп суради.

— Янгиликларнинг ҳаммаси ҳақиқат, — дейди Адриано Галлиани BBCга берган интервьюсида. — Барча келишувлар деярли охирлаб қолди. Тез орада ҳар икки томон ҳам шартномаларга имзо чекади.

Дэвид Бекхэмнинг ўзи ҳам "Милан" жамоасига қайтишни астойдил хоҳламоқда. Бу билан у ўзининг жисмоний ҳолатини тиклаб, Англия терма жамоаси таркибида 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига бормоқчи. Эсингизда бўлса, ўтган мавсумда ҳам англиялик футболчи италия клуби шарафини ҳимоя қилганди. Айни пайтда Дэвид Бекхэм Лос-Анжелеснинг «Гэлэкси» жамоасида тўп сурмоқда.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

*Газетамизнинг навбатдаги сони 2009 йил 11 ноябрь куни чоп этилади.*

ХОТИРА

# ОЛИМНИНГ НУРЛИ УМРИ

*Яхши инсондан яхши хотиралар қолади. Фидойи олимнинг илм-фанда янгилик бўлиб кирган илмий-изланишлари эса унинг сермазмун умр йўлидаги шамчироқ мисол порлаб туради.*

*Машҳур физик олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Убай Орифов ҳам ана шундай заҳматкаш инсонлардан бири эди. У Қўқон пахтачилик институти ассистентлигидан фанимизнинг сардори, нафақат ўз юртимиз, балки жаҳонга танилган академик олим даражасигача бўлган машаққатли ва фахрли ҳаёт йўлини босиб ўтди.*



Олимнинг илмий фаолияти 1932 йилда Самарқанд Педакадемияси(ҳозирги Самарқанд давлат университети)ни тугатганидан кейин бошланди. Аммо иккинчи жаҳон уруши уни ўз фаолиятини бир муддат тўхтатиб туришга мажбур қилди. Чунки олимнинг 1941 йилдан то 1945 йилнинг бошигача бўлган ҳаёти уруш майдонларида ўтди. Уруш якунланганидан сўнг у ҳали ҳарбий шинелини ечмасидан туриб, "Хлорли литийнинг вольфрам юзасида ионланиши" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Яна шу йилнинг ўзида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг физика йўналишидаги биринчи илмий муассасаси — Физика-техника институтига директор этиб тайинланади.

Голландиялик йирик олим А. Бурс "Тошкент электроника мактабининг, У. Орифов бошлиқ олимларнинг илмий ишлари бизнинг ишларимизга асос бўлди, шу сабабли биз уни фанимизнинг устуни деб атаймиз" деганида ҳақ эди. Чунки юртимизда физика фанининг тараққиёти ва илмий тадқиқот марказлари — Физика-техника, Ядро физикаси ҳамда Электроника институтларининг ташкил этилиши ва уларнинг истиқболи бевосита ана шу инсон номи билан боғлиқ.

Домла пахта саноати, қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш масалаларига ҳам катта эътибор берган. Чунончи олим бошчилигида унинг шогирдлари ва сафдошлари томонидан пахтанинг физик-механик хоссалари кенг ўрганилиб, натижада пахта тозалаш саноатида муҳим техникавий янгиликлар жорий қилинган. Бунинг самараси ўлароқ уруғлик учун ва мой саноатига сарфланадиган чигитдан момуғи(линт)ни тўлиқ ажратиб олиш ва уларни саралаш имконияти юзага келди. Шу тариқа Электроника институти олимлари ишлаб чиққан технология асосида юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлайдиган система лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Бундан ташқари, У.Орифов кучли ёруғлик нури дастаси ва лазер нурларининг жисмлар хоссаларига таъсири, қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш, бир қатор гелиотехник қурилмаларни яратиш ва уларни халқ хўжалигига тадбиқ қилиш каби масалаларга бағишланган кўплаб бетакрор рисолалар муаллифи эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Қолаверса, қуёш энергиясидан фойдаланиш масаласи Ўзбекистон Республикаси учун ғоят муҳим аҳамиятга молик эканини яхши тушунган бу фидойи академикнинг ташаббуси билан 1965 йилдан бошлаб "Гелиотехника" журнали нашр қилина бошланди. Журнал ўз даврида бутун собиқ иттифоқ гелиотехникларини бирлаштиришда, илмий-техникавий янгиликларни оммалаштиришда муҳим воситага айланди.

Эътироф этиш лозимки, У. Орифов серқирра олим бўлиши билан бирга фаннинг йирик ташкилотчиси ва ёш авлоднинг жонкуяр мураббийси эди. Унинг ташкилотчилик фазилати, хусусан, Шарқда атомни тадқиқ қилиш маркази — Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институтини ташкил этишдан тортиб, уни етарли мутахассислар билан таъминлаш, илмий ишлар савиясини замон талаби даражасида амалга ошириш, фан-техника соҳасида мамлакатимиз учун ҳали янги бўлган муаммоларни юқори даражада ҳал қилиш каби ҳаракатларида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Одатда кўпчилигимиз ўзимизга тегишли бўлган тор доиралардаги соҳаларда фаолият юритиб, ҳаётдаги бошқа муаммоларга "Бу менинг соҳам эмас" деб эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, бу ҳамма вақт ҳам тўғри бўлиб чиқмайди. Устоз эса ҳақиқий физик олим бўлишига қарамай, ўз соҳасидан узоқ бўлган бошқа тармоқларга алоқадор баъзи муаммоларнинг ечимини топишни ҳам ўзи учун шараф деб биларди. Жумладан, тиббиётдаги совуқ кислородлар муаммоси, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун лазер, реактор ва қуёш нурларидан, магнит майдонидан фойдаланиш, тупроқда кўзга кўринмас қурт-ҳашаротларни қуёш нури таъсири билан йўқотиш, даладаги тупроқ таркибида азот ва бошқа ўғитларнинг қанча муддат сақланишини масс-спектрометр қурилмада аниқлаш каби кўплаб муаммолар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Дарҳақиқат, бу етук олим Ўзбекистон Фанлар Академияси президентидек ўта масъулиятли раҳбарлик вазифасида фаолият юритаётганида ҳам ҳар доимгидек вақт ва имконият топиб, бевосита илмий тадқиқотлар ўтказар ва катта иштиёқ билан тажрибалар учун янги экспериментал қурилмалар яратишга киришар эди. У бир гуруҳ шогирдлари билан ядро парчаланиш зарраларининг массалари, энергиялари, ионли зарядларини анализ қиладиган ноёб масс-спектрометр яратди. Бу қурилма ёрдамида зарурий параметрларга эга бўлган парчаланиш зарралари оқимларини шакллантириш имконияти вужудга келди.

Шу ўринда эслаш жоизки, фидойи устозимиз ўзбек илм-фанини юқори поғоналарга кўтариш учун энг аввало, малакали кадрлар тайёрлаш зарурлигини яхши биларди. Бугунги кунда унинг ёрдами ва ғамхўрлигида кўплаб физик, химик, биолог олимлар, муҳандис кадрлар етишиб чиқди. Улар физикавий электроника, ядро физикаси, атом ва қуёш энергиясидан фойдаланишнинг фундаментал муаммоларини тадқиқ қилишда домла асос солган институтлар ва лабораторияларда, олий ўқув юртларида фаолият юритишмоқда.

Чиндан ҳам бу маҳоратли физик олим яратган илмий янгиликлар, қилган эзгу амаллар биз учун дастуруламалдир. Агар устоз ҳозир ҳаёт бўлганида бу йил юз ёшни қаршилаган бўларди... Аммо фидойи олимнинг умри у яратган кашфиётлар тимсолида, кўплаб шогирдлари изланишлари мисолида давом этмоқда десак, хато бўлмас. Аминмизки, вақт илмий-техникаларга қанчалик ўзгаришлар киритмасин бутун борлиғи билан ўзини фанга бағишлаган, юксак инсоний фазилатлар эгаси, академик Убай Орифов номи ҳамиша ўзининг нурли саҳифасига эга эканлиги қалбга таскин ва ғурур бахш этади.

**Назар ТЎРАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик.**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.10

® — тижорат белгиси.

Адади: 10065 Буюртма — Г-926 1 2 3 5